

---

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ГАЗЕТА МАТНЛАРИДА  
УЧРАЙДИГАН ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИ ЛИНГВОМАДАНИЙ  
ХУСУСИЯТЛАРИ.**

**Юнусов Бехзод**

*Олий тоифали уқитувчи  
Анджсон давлат чет тиллар  
институту магистранти*

***Аннотация.** Мақолада инглиз ва ўзбек тилларида газета матнларида учрайдиган фразеологизмларни лингвомаданий хусусиятларига оид муаммолар ҳақида сўз боради. Муаллиф инглиз ва ўзбек тилларидаги газета матнларида учрайдиган фразеологизмларни лингвомаданий баъзи хусусиятларига тўхтаб ўтиб, уларни мисоллар билан мустаҳкамлаган.*

***Калит сўзлар:** фразеологизм, ибора, идиома, семантик хусусиятлар, тасниф, тамойил, географик номлар.*

***Аннотация.** Автор изучает проблемы лингвокультурных особенностей фразеологизмов, встречающихся в текстах английских и узбекских газет. А также путём сравнения данных фразеологизмов идентифицирует некоторые интересные схожести.*

***Ключевые слова:** фразеологизм, идиома, семантические особенности, классификация, принцип, географические названия.*

***Annotation.** The article is about the problems of linguocultural qualities met in Uzbek and English newspaper passages. The author, also by the way of comparing the fraseologisms, identifies some interesting similarities.*

***Key words:** phraseologism, idiom, semantic specifics, classification, principle, geographical names.*

Инглиз фразеологияси, шакли ва семантикаси жиҳатидан жуда бой ва хилмахил булиб, инглиз тили урганувчиларига, ҳамда таржимонларга кўп қийинчилик туғдиради. Унинг таркибида жуда кўп турғун иборалар мавжуд. Бу турғун иборалар мажозийлиги билан, ҳамда услубий жиҳатдан улкан фаркланади. Шунинг учун фразеологизмларнинг семантикаси бўйича баъзи олимларнинг фикрларига таяндик.

Демак, А.В.Куниини фикрича, турғун иборали сўзларнинг семантикасининг хусусиятларига асосан, фразеологизмлар уч синфга бўлинади: фразеологик бирликлар, идиофразеоматик бирликлар ва фразеоматик

бирликлар. Фразеологик бирликлар, ёки идиомалар, - бу алохида шаклланган тил бирликлари хисобланиб, улар умумий ёки қисман қайта тассаввур қилинган маъноларга эга. Идиофразеоматизмлар ҳам кўчма, ҳам сўзма сўз маъноларга эга бўлиб, шунда сўзма сўз маънога эга идиофразеоматизмлар терминологик маънога эга бўлади, ёки профессионализмлар деб аталади. Фразеоматик бирликларга келсак, уларни маънолари сўзма сўз бўлади ёки фразеоматик равишда бир бирига боғлиқ бўлишади. Юқорида келтирилган учала турларнинг хар бирига турғунлик хос бўлади.

Ўзбек тилидаги фразеологизмлар бўйича Ш. Рахматуллаев илмий изланишлар олиб борган. Олим фразеологик бирликларни семантик жихатдан тасниф этиб, уларни уч турга ажратган: фразеологик бутунлик, чатишма ва қўшилма [1, Б.8]. Ш. Рахматуллаев фикрига кўра, таркибидаги сўзларн маъноларига боғлиқ, шуларга асосланган умумлаштирувчи кўчма маъноли иборалар фразеологик бутунлик деб аталади. Масалан: *тўйдан олдин ногора қоқмок; ер билан осмонча...*

Демак, Ш.Рахматуллаев фикрича, иборадан англашиладиган маъно унинг таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ эмас, шулардан келиб чиқмайди ҳам. Иборанинг маъноси билан таркибидаги сўзлар маънолари орасида потенциал боғланиш ҳам мавжуд эмас. Бундай иборалар фразеологик чатишмалар деб аталади. Масалан: *огзи қулогиди, тўнини тескари кийиб олмок, қўлтигидан тарвузи тушиб кетди, хавсаласи тир бўлди*

Энди шулардан келиб чиқиб, *The New York Times* газетасида айрим матнларида ишлатилган фразеологик бирликларига назар ташласакда, ҳамда шу тариқа ўзбек газеталаридан олинган иборалар билан таққосласак. Қуйида 22 май, 2022 йилда *The New York Times* газетасидан олинган параграфни кўриб чиқамиз. Бу мақолани номи “*The rules for Hybrid Work were always made up*”.

***The conundrum** facing executives nationwide these days is one familiar to anyone who has ever planned a birthday gathering: “It’s really hard to get anybody to come to a party if everybody **R.S.V.P.s** maybe,” said Zach Dunn, an expert on **hybrid work** and founder of the workplace management company Robin.*

*Now imagine that party involved paychecks , **bottom lines** and a 10-year lease. So when Mr.Dunn counsels executives on their return to office plans, he encounters inordinate stress over the question of whether to mandate that employees spent certain days in the office, or opt for flexibility while enticing people with activities and meals, relying on pure enthusiasm to fuel the great return.*

*Those decisions have grown more complex in recent week ,as Covid cases surged and return to office plans lurched. Apple, for example, which has faced fierce internal*

*opposition to its R.T.O. plan, told workers last week that the company was scaling its office requirement back from three days a week to an optional two days.*

*Бу юқоридаги матнда 4та тушунушга қийин бўлган иборалар ишлатилган:*

- 1) To be in a conundrum- ечими қийин ва адаштирадиган вазиятга тушиб қолиш;  
Масалан: We haven't found a way to resolve the conundrum that we are facing.  
Бизга рўпара келган муаммони ечиш усулини топаолмадик хали.  
Ёки: I'm I a conundrum. Мен қийин ахволдаман.
- 2) R.S.V.P.s – Бу ибора француз тилидан олинган бўлиб, маъноси: илтимос жавоб қайтаринг дегани, кўпинча таклиф қоғозларида учрайди. Инглиз тилида бу ибора феъл сифатида ишлатилади. Агар ўтган замонда ишлатилса, мана шу каби ёзилади: I R.S.V.P.d yesterday. Мен кеча уларни таклифига жавоб қайтардим.
- 3) HYBRID WORK – Hybrid, аралашган маъносига эга, ёки ҳар хил аралашган қисмлардан иборат дегани. Бу ерда ушбу иборани маъноси: ҳам уйда, ҳам офисда ишласа бўлади дегани. Бу мақола асосан пандемия пайтида ёзилгани учун, бу ибора анча машҳур бўлиб қолди.
- 4) BOTTOM LINE – фойда, ҳамма харажатларни чиқарворгандан кегин қоладиган соф фойда.

Масалан: A CEO's decisions can have a big effect on the bottom line. Раҳбарнинг қарорлари фойдага катта таъсир ўтказиши мумкин. Ёки: Adopting this new technology will improve the bottom line. Бу янги технологияни ўзлаштириш фойдага анча ижобий кўриниш беради.

Энди ўзбек газеталарида учрайдиган ибораларга этиборимизни қаратсак. Масалан, 2023 йил 4 июль, Янги Ўзбекистон 130-сонли нашрида қуйидаги ибораларга дуч келдик: “Фахрландик” мақоласидан олинган бу гапга этибор қаратсак: Хазратимиз араб тилида истифода этган маърузалари, нутқлари дунё ислом оламининг **қазо-қазолари** томонидан нихоятда катта эътибор билан тингланди. қазо-қазоларни маъноси: соҳасининг энг пешқадамлари, ишининг энг усталари ва хоказо.

Худди ўша газетада қуйидаги гапларни ўқишимиз мумкин: Жорий йилнинг 18 март куни Янги Тошкент шаҳри қурилишига **тамал тоши қўйилди**. Шу ерда **тамал тоши қўйилди** иборасига этибор қаратсак.

Бу иборани маъноси қуйидагича: 1)бошлаб берилди 2) қурилиши бошлаб берилди 3) қурувчилар биринчи тошини қўйишди ва хоказо.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изохли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
2. А.В.Кунин. English-Russian Phraseological Dictionary, Moscow, 1984.
3. The New York Times, 22.05.2022, The rules for Hybrid work were always made up.
4. Янги Ўзбекистон газетаси, 130-сонли, 04.07.2023.
5. А.В.Кунин. Некоторые вопросы английской фразеологии.